

АУТСОРСИНГ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АҲАМИЯТИ

*Жамоат хавфсизлиги университети
Мустақил изланувчиси катта лейтенант
Норбойев Шерзод Бердиали ўғли*

Аннотация: Ушбу мақолада аутсорсинг шартномаларининг таснифи ва илмий-назарий асослари борасида айрим мулоҳазалар келтирилган ҳамда ушбу соҳада изланиш олиб борган олимларнинг фикрлари асосида қонунчилигимизга айрим ўзгартиришлар киритиш борасида таклифлар ишлаб чиқилган

Калит сўзлар: аутсорсинг, транспорт хизматлари, юридик хизматлар, хўжалик фаолияти, миждоз, хусусий, ижтимоий

Шартноманинг ҳуқуқий табиатини ва унинг шартнома мажбуриятлари тизимидаги ўрнини аниқлаш муайян муносабатларнинг хусусиятига мос келадиган энг самарали ҳуқуқий тартибга солиш усуллари танлаш учун жуда зарурдир.¹ Таъкидлаш жоизки, шартномаларни таснифлаш бироз бошқача миқёсдаги, бироқ муҳимлиги жиҳатдан кам бўлмаган муаммоларни ҳал қилишга имкон беради: таснифланган объектларни чуқурроқ ўрганиш орқали шартноманинг индивидуал белгиларини унинг мазмуни, уни тузиш ва бажаришнинг ўзига бўлган хос хусусиятларига таъсирини баҳолаш мумкин бўлади.

Энг аввало таснифлашнинг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, унга умумий маънода қуйидагича таъриф берилган: “Таснифлаш ёки классификация – маълум бир нарсанинг муайян белгилар асосида ҳамда тадқиқотнинг умумий мақсадидан келиб чиқадиган қарашларга мос келувчи маълум таснифий бўлимлар бўйича гуруҳларга ажратилиши”.²

Таснифлаш иборасининг луғавий маъносига тўхталадиган бўлсак, Ўзбек тили изоҳли луғатида таснифга қуйидагича таъриф берилади: “Тасниф [танлаб олиш; турларга ажратиш] – нарса ва ҳодисаларни уларнинг ўзига хос белги, хусусиятларига қараб тур, туркум ва шу кабиларга ажратиш. Тасниф қилмоқ (ёки

¹ Романец Ю. В. Система договоров в гражданском праве России. - М.: Юрист, 2001. - С. 22.

² Қаранг: <https://uz.wikipedia.org/wiki/Tasniflash>

этмоқ) – маълум белги-хусусиятлари асосида тур, туркумларга ажратмоқ, тур, туркумларини белгиламоқ”.³

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий тадқиқотлар учун таснифлашнинг аҳамияти жуда бекиёсдир, чунки таснифлаш барча ҳуқуқий ҳолатларнинг зарурий оқилона асоси сифатида номоён бўлади.

Бу ерда М.И.Брагинскийнинг қуйидаги фикрларига қўшилмасликнинг иложи йўқ: “Ҳар қандай таснифнинг маъноси охир-оқибат тегишли тушунчанинг маълум бир гуруҳга тегишли бўлишидир. Бунда, у ушбу гуруҳнинг умумий хусусиятларига эга эканлиги ва шу билан бирга бошқа гуруҳларга хос бўлган умумий хусусиятларга эга эмаслиги ҳисобга олинади”.⁴ Агар биз ҳуқуқий таснифлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, унда унинг вазифаси, М.М.Агарков таъкидлаганидек, “умумий хусусиятлар билан бирлашган ҳодисаларни ҳуқуқий аҳамиятга эга хусусиятлар билан боғлиқ бўлган турларга бўлишидир”.⁵

Ҳар қандай таснифлаш муайян таснифлаш меъзонлари (асослари)ни танлашга асосланади. Таъкидлаш жоизки, муайян мезонлар бўйича хизматларни таснифлаш, умуман аутсорсинг шартномаси бўйича кўрсатиладиган хизматларни таснифлаш шунчалик хилма-хил ва мурракабки, уларнинг барчасини ушбу тадқиқот доирасида қамраб олиш деярли имконсиздир. Албатта, бунда ҳуқуқий хусусиятларни номоён эта оладиган ҳамда аниқ фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишда инобатга олинishi мумкин бўлган меъзонларга эътибор қаратилади. Энг аввало, дастлабки умумий қоидалардан чекинган ҳолда, аутсорсинг шартномаси турларини тизимлаштиришга мурожаат қиламиз.

А.Ю.Кабалкиннинг таъбирича, хизмат кўрсатиш шартномаларини дифференциациялаш (табақалаштириш) бир қатор объектив белгилар билан шартланган. Бундай асослардан бири хизмат кўрсатиш шартномаларининг алоҳида турлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардаги фарқлар ҳисобланади. Мана шу белгилар бўйича хизмат кўрсатиш шартномаларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:⁶

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 5 жилдли / ЎЗР ФА А.Навоий номидаги Тил ва адабиёти ин-ти; А.Мадвалиев таҳрири остида; таҳрир хайъати Э.Бегматов. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, [2006-2008]. (Т – харфи). 11-бет.

⁴ Брагинский М. И., Витрянский В. В. Договорное право. Книга первая: Общие положения. - М.: Статут, 2005. - С. 276.

⁵ Агарков М.М. Основы банковского права: Учение о ценных бумагах. Курс лекций; Научное исследование. - М.: БЕК, 1994. - С. 188.

⁶ Кабалкин А. Ю. Гражданско-правовой договор в сфере обслуживания. - М.: Изд-во Наука, 1980. - С. 188-189.

Биринчидан, бир жойдан иккинчи жойга кўчишга йўналтирилган шартномалар. Бу транспорт ва алоқа ташкилотлари билан тузиладиган шартномалардир. Шунингдек, бу соҳадаги хизмат кўрсатиш шартномалари ишлаб чиқаришнинг турига боғлиқ равишда гуруҳларга бўлиниб кетади.

Иккинчидан, муайян юридик (ҳуқуқий) натижага эришишга йўналтирилган хизмат кўрсатиш шартномалари. Булар топшириқ, комиссия шартномалари. Ушбу шартномалар бўйича хизмат кўрсатувчи хизматни қабул қилувчи учун юридик хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

Учинчидан, мажмуавий хусусиятдаги (юридик ва фактик) хизматларни кўрсатишга йўналтирилган шартномалар. Буларга ташкилот ва фуқароларга транспорт экспедицияси хизматларини кўрсатиш шартномалари киради.

Тўртинчидан, фактик хусусиятдаги хизматларни кўрсатишга йўналтирилган шартномалар. Бунда фаолиятнинг фойдали натижаси (хизматнинг истеъмол қиймати) хизматни тақдим этиш жараёнида истеъмол қилинади (йўқ бўлади). Бу гуруҳдаги шартномаларни туркумлаш ҳуқуқий муносабатлар воситасидаги ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларига асосланади. Фактик хусусиятдаги хизматларни кўрсатиш бўйича шартномаларга ўтиш йўлакларини эксплуатация қилиш, кўриқлаш, сақлаш, овқатланиш хизматини кўрсатиш шартномалари ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Бешинчидан, фактик хусусиятдаги хизматларни кўрсатишга йўналтирилган шартномалар. Бунда хизматлар кредиторга моддий маҳсулотларни мулк сифатида вақтинча фойдаланиш учун тақдим этиш кўринишида амалга оширилади. Ушбу шартномаларга умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар ва дам олиш уйлари, санатория, туристик базаларда хизмат кўрсатишга қаратилган шартномалар киради.

Юқоридаги хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар таснифи билан амалдаги ЎР ФК даги таснифлашни таҳлил қиладиган бўлсак, А.Ю.Кабалкин томонидан туркумланган шартномаларнинг айримлари бугунги кунда ЎР ФК га алоҳида боб сифатида киритилган, қолганлари эса ЎР ФК нинг алоҳида “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланган 38-бобида ўз ифодасини топган. А.Ю.Кабалкин томонидан тақлиф қилинган таснифлашнинг ижобий жиҳати шундаки, таснифлаш асослари ҳуқуқий табиат касб этади. ЎР ФК даги хизматларни таснифлаш асослари аксинча, кўпроқ иқтисодий табиатга эга.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги олимлар томонидан тақлиф қилинган таснифларнинг аксарияти хизмат кўрсатиш муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган аниқ норматив ҳуқуқий база мавжуд бўлмаган шароитда амалга

оширилган. Кўриб чиқилган таснифларнинг муаллифлари унчалик бой бўлмаган назарий базага ва хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларни тартибга солувчи тор доирадаги нормалар қўлланиладиган амалиётга асосланган. Аутсорсинг шартномаси бўйича кўрсатиладиган хизматлар эса, ўз-ўзидан маълумки, юқоридаги таснифларда назарда тутилмаган.

Ғарб мамлакатларининг хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларни таснифлаш тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, бунда таснифлашнинг ҳуқуқий эмас балки иқтисодий асосларига таянилишини кўришимиз мумкин. Ғарб мамлакатларидаги илк хизматларни таснифлаш бўйича уринишларга У.Стентон ва Р.Джадд ишларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ушбу муаллифлар томонидан хизматларни таснифлаш секторлар (тижорат ва нотижорат секторлари) бўйича амалга оширилган.

У.Стентон тижорат асосида кўрсатиладиган хизматларни қуйидаги ўн та гуруҳга таснифлаган: 1) уй-жойларни тақдим этиш бўйича хизматлар; 2) оилаларга хизмат кўрсатиш (уй-жойни таъмирлаш, ландшафтларни парвариш қилиш, уй-жойларни тозалаш ва бошқалар); 3) дам олиш ва кўнгилочар хизматлар; 4) индивидуал санитар-гигиеник хизматлар (кир ювиш, тозалаш, косметика хизматлари ва бошқалар); 5) тиббиёт ва бошқа соғлиқни сақлаш хизматлари; 6) хусусий таълим хизмати; 7) бизнес соҳасидаги хизматлар ва бошқа малакали (профессионал) хизматлар (юримдик хизмат, бухгалтерия ва консултация хизматлари); 8) суғурта хизмати ва молиявий хизматлар; 9) транспорт хизматлари; 10) алоқа соҳасидаги хизматлар.⁷

Қолган бошқа барча хизматлар нотижорат секторга киритилган. Муаллиф ушбу таснифлашни фаолият мақсадлари ва мулкчилик хусусиятларига асосан амалга оширган. Хусусан, унинг фикрича, хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг мақсадлари (objectives) бўйича фойда (profit) олишга йўналтирилган ёки нотижорат (фойда олинмайдиган - nonprofit) фаолиятларга, мулкчилик хусусиятига кўра эса – хусусий (private) ёки ижтимоийга (publik) бўлинади.⁸

Юқорида келтирилган таснифлашдан кўриниб турибдики, У.Стентон аутсорсинг шартномасини “бизнес соҳасидаги хизматлар ва бошқа малакали (профессионал) хизматлар (юримдик хизмат, бухгалтерия ва консултация хизматлари)” гуруҳига киритади.

⁷ Қаранг: Ситдикова Л.Б. Правовое регулирование отношений по возмездному оказанию услуг. Набережные Челны, 2003. - С. 79.

⁸ Кўрсатилган манба. - С. 79.

тида деярли тўлиқ ҳажмда (10 та гуруҳдан 8 таси) қабул қилинган.⁹

1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларнинг бошларида Ўзбекистонда хизматларни таснифлаш белгилари таркибини кенгайтириш шиддат билан амалга оширилди ва бу кейинчалик ҳуқуқда ҳам ўз ифодасини топди. Ўзбекистон олимларининг таснифлари илгари ҳуқуқшунослар томонидан фойдаланилмаган янги таснифлаш асосларига эътибор қаратиш имконини берди. Юқоридаги олимларнинг ишларига асосланган ҳолда Шостак (1977 йил), Сассер, Олсен Викоффлар (1978 йил) иш ва хизматлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришди. Бунда Шостак хизматларнинг сезиладиган ва сезилмайдиган элементларини ажратиб берувчи спектрал шкалани жорий қилади. Бироз кейинроқ мазкур таснифлаш ғояси В.Д.Маркова томонидан маркетингда хизмат кўрсатиш шартномаларини таснифлашда ривожлантирилади.¹⁰ В.Д.Маркова томонидан тақдим этилган таснифлаш асосини хизматларнинг айримларини ишлаб чиқариш соҳасига, айримларини эса ноишлаб чиқариш соҳасига киритиш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган таснифлар ЎР ФКдаги таснифларга бир мунча яқинроқ. Муаллифлар фақатгина хизмат турларини санаб ўтиш ёки хизматларни иқтисодий асосларга кўра таснифлаш билан чекланган. ЎР ФКда ҳам худди шундай ҳолат. Фикримизча, ЎР ФКда фақатгина ҳақ эвазига хизмат кўрсатишни тавсифловчи умумий белгилар ўз ифодасини топиши лозим. Хизматларни таснифловчи ҳуқуқий мезонлар мавжуд бўлмаганда эса умуман таснифлаш керак эмас.

Л.Б.Ситдикова томонидан амалга оширилган таснифлаш бир мунча қизиқиш уйғотади. Унга кўра, хизматлар ашёвий шаклнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслиги бўйича таснифланади. Муаллиф томонидан ашёвий шакл мавжуд бўлмаган хизматлар “тоза хизматлар” сифатида эътироф этилади.¹¹

Л.Б.Ситдикова томонидан амалга оширилган таснифлаш бўйича амалдаги Фуқаролик кодексидаги қуйидаги шартномаларни “тоза хизматлар” туркумига киритишимиз мумкин: ташиш шартномаси, транспорт экспедицияси, банк ҳисоби, омонат сақлаш, топшириқ, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқариш каби шартномалар алоҳида бобларда ўз ифодасини топган, шунингдек, алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар 38-бобда ўз

⁹ Кўрсатилган манба. - С. 79.

¹⁰ Маркова В.Д. Маркетинг услуг. М.: Финансы и статистика, 1996. - С. 22.

¹¹ Ситдикова Л.Б. Правовое регулирование отношений по возмездному оказанию услуг. - Набережные Челны, 2003. - С. 80.

ифодасини топган. ЎР ФК 38-бобига бошқа хизмат кўрсатиш шартномаларини ҳам фақат бир шарт билан киритиш мумкин, яъни бундай шартномалар “тоза хизматларга” тегишли бўлган хусусиятларга эга бўлиши лозим. Фикримизча, ушбу таснифда “тоза хизмат”нинг аниқ белгилари кўрсатиб берилмаган, шу сабабли “тоза хизмат” турларини ажратиш мақсадга мувофиқ эмас.

Л.Б.Ситдикова хизматларни фаолият доиралари бўйича ҳам таснифлайди: 1) ижтимоий-маданий соҳа бўйича кўрсатиладиган хизматлар; 2) хўжалик фаолияти соҳасида кўрсатиладиган хизматлар.¹² Ушбу таснифнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий-маданий соҳада кўрсатиладиган хизматлар жисмоний шахсларга (истеъмолчиларга) тақдим этилади. Бундай хизматларга тиббиёт, таълим, спорт, маданият, туризм, алоқа ва шу каби соҳалардаги хизматлар киради. Фикримизча, хўжалик фаолияти соҳасида кўрсатиладиган хизматларга юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган аудит билан бир қаторда аутсорсинг шартномасини ҳам киритиш мумкин.

Хизматларнинг кейинги таснифи ижрочиларнинг профессионал малакасининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига асосланади: ижроси профессионал билим, кўникма талаб қилмайдиган хизматлар ва профессионал хизматлар. Мазмунини фақат инсон фаолияти ташкил қиладиган хизматлар ва асбоб-ускуналар ҳамда материаллардан фойдаланилиши билан боғлиқ бўлган хизматлар. Буюртмачининг иштирокини талаб қиладиган хизматлар ва буюртмачининг иштирокисиз кўрсатиладиган хизматлар. Тўлов шакллари бўйича хизматлар бир марталик ва абонементлик хизматларига бўлинади. Хизматлар вақт бўйича бир марталик ва узоқ муддатлига бўлинади. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар. Амалга ошириладиган ҳаракатларнинг хусусиятига кўра хизматлар юридик хизматлар ва фактик хизматларга бўлинади. Мол-мулкни (пул маблағларини) бошқариш билан боғлиқ хизматлар ва пул-кредит хизматлари.¹³ Д.И.Степанов томонидан тақлиф қилинган таснифнинг ижобий жиҳати шундаки, таснифлаш ҳуқуқий асослардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини қабул қилиш жараёнида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги таълимотлар, айниқса уларнинг таснифлаш қоидалари фуқаролик ҳуқуқи назариясида етарлича ишлаб чиқилмаган эди. Бу эса ўз навбатида ЎР ФК 703-моддаси 2-қисмидаги Қонун

¹² Ситдикова Л.Б. Правовое регулирование отношений по возмездному оказанию услуг. - Набережные Челны, 2003. - С. 80.

¹³ Степанов Д. И. Обязательство по оказанию услуг и его объект // Приложение к ежемесячному юридическому журналу «Хозяйство и право». 2014. № 5. - С. 31.

чиқарувчи томонидан амалга оширилган таснифлашда ўз ифодасини топмасдан иложи йўқ эди. Яъни унга кўра, ЎР ФК 38- бобининг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига татбиқ этилади. Бироқ, қонунда мустақамланган хизматлар рўйхати тугал ва қатъий эмас, тан олиш керакки ЎР ФКни ишлаб чиқиш жараёнида хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлар чегарасини белгилаш ва ҳуқуқий тартибга солишни қулай шакллари аниқлаш бўйича Қонун чиқарувчининг етарли тажриба ва назарий асослари мавжуд бўлмаган.

Хусусан, Н.С.Жўраев ва С.Ф.Отахоновлар ЎР ФК 38-боби 703-моддасини шарҳлар экан қуйидагиларни такидлашади: “Ушбу рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди, чунки хизматлар ўз мазмунига кўра турли хил бўлиши мумкин”.¹⁴

ЎР ФК 703-моддасида хизмат кўрсатиш шартномаси турларини белгилашдаги камчилик шундаки, хизматлар рўйхатини тузишда ҳеч қандай қонуниятнинг мавжуд эмаслигидир. Қонун чиқарувчи ЎР ФК 703-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини иқтисодий йўналиши, хизмат кўрсатиш мақсади, фаолият турлари бўйича таснифламаган, балки хизматларнинг тахминий рўйхатини бериш билан кифояланган. Бизнинг фикримизча, бундай рўйхатнинг берилиши ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг умумий ўзига хос белгилари тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди, шунингдек, бир хизмат турини иккинчисидан ажратиб берувчи меъзонларни аниқлаштирамайди ва шу билан хизмат кўрсатиш турларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тушуниш муаммосини ҳал қилмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда “хизматлар” бозори энг ривожланиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади. Йилдан йилга ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларга илгари маълум бўлмаган хизмат кўрсатишнинг янги янги турлари пайдо бўлмоқда. 1995-1996 йилларда Қонун чиқарувчи ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг янги турларини пайдо бўлишини назарда тутишга ҳаракат қилган. Бу уриниш хизмат турларининг очиқ рўйхати орқали амалга оширилган. Бироқ, ҳозирги кунда ЎР ФК 703-моддаси 2-қисмидаги “ва бошқа хизматлар” рўйхатини кенгайтириш ҳамда у ёки бу мажбуриятни хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларга киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Кундан кунга янги хизмат турлари пайдо бўлиб бораверар экан бу рўйхатни тўлдириш мумкин эмас. Бизнинг фикримизча, ЎР ФКда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларни тавсифловчи ва уни бошқа мажбуриятлардан ажратиб турувчи

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Профессинал шарҳлар. Т 2. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Vaktria press, 2013. - 617-бет.

белгиларнинг ўзинигина қолдириш ҳамда ЎР ФК 703-моддаси 2-қисмини қуйидаги тахрирда бериш мақсадга мувофиқ: “Кўрсатиладиган хизматларнинг тегишли (у ёки бу) турини шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ушбу Кодекснинг 37, 39, 40, 43, 44, 45, 46, 48, 49 ва 51-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустасно”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Агарков М.М. Основы банковского права: Учение о ценных бумагах. Курс лекций; Научное исследование. М.: БЕК, 1994. С. 188.
2. Брагинский М. И., Витрянский В. В. Договорное право. Книга первая: Общие положения. М.: Статут, 2005. С. 276.
3. Иоффе О.С. Обязательственное право. –М.: Госюриздат, 1975. –С. 485.
4. Кабалкин А.Ю. Сфера обслуживания: гражданско-правовое регулирование. М.: Изд-во Наука, 1972.
5. Красавчиков О.А. Советское гражданское право. Учебник. Т.1. М.: Высшая школа, 1968. –С.412-413.; Қаранг: Ситдикова Л.Б. Правовое регулирование отношений по возмездному оказанию услуг. Набережные Челны: Изд-во Камского государственного политехнического ин-та. 2003. С. 19.
6. Маркова В.Д. Маркетинг услуг. М.: Финансы и статистика, 1996. С. 22.
7. Рахмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.244-250.
8. Романец Ю. В. Система договоров в гражданском праве России. М.: Юристъ, 2001..С. 22.
9. Ситдикова Л.Б. Правовое регулирование отношений по возмездному оказанию услуг. Набережные Челны, 2003.
10. Степанов Д.И. Обязательство по оказанию услуг и его объект // Приложение к ежемесячному юридическому журналу «Хозяйство и право». 2014. № 5. С. 30.
11. Шешенин Е. Д. Предмет обязательства по оказанию услуг // Сб. ученых трудов. Вып. 3. Свердловск: Средне-уральское книжное издательство. 1964. С. 154.
12. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Профессонал шарҳлар. Т 2. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Baktria press, 2013.617-бет.
13. Dilrabo Bakhronova, Muminova Dilshodakhon Abduvakhitovna, Khodjakulova Feruza Rustamovna, Hashimova Sabohat, Musaeva Shahzoda Ibrohimovna. Peculiarities of intercultural competence in teaching foreign languages. Religación: Revista de Ciencias Sociales y Humanidades. – P. 221-224.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 5 жилдли / ЎЗР ФА А.Навоий номидаги Тил ва адабиёти ин-ти; А.Мадвалиев тахрири остида; тахрир ҳайъати Э.Бегматов. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, [2006-2008]. (Т – ҳарфи). 11-бет.
15. Judd R. The Case for Redefining Services //Journal of Marketing. 1964. Vol. 28. № 1.P. 58-59.